ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

Шахноза Туйчиевна ТУРСУНКУЛОВА
доцент
Самарқанд давлат университети
Самарқанд, Ўзбекистон
mstursunkulova@mail.ru

Аннотация

Тасаввуф таълимотининг асосий хусусиятлари, ўзига хос фалсафий мазмуни мазкур мақолада тарихий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Таянч сўзлар: тасаввуф тушунчаси, тасаввуф таълимоти, маънавий мерос, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шарқ алломалари, тасаввуфий асарлар.

УЧЕНИЕ СУФИЗМА И ЕГО ПРОБЛЕМЫ

Шахноза Туйчиевна ТУРСУНКУЛОВА
доцент
Самаркандский государственный университет
Самарканд, Узбекистан
mstursunkulova@mail.ru

Аннотация

В данной статье с историко-философской точки зрения были проанализированы основные черты учения о мистицизме, его специфическое философское содержание.

Ключевые слова: Концепция суфизма, учение о суфизме, духовное наследие, Хусейн Ваиз Кашифи, учение Востока, суфийские произведения.

Тасаввуф алломаларининг ижтимоий-маданий, маънавий қарашлари таҳлилига кўра, улар “тасаввуфий қараш”ларида ўзларидан олдинги илм-фан ютуқларини, ижтимоий-сиёсий қарашларни, дин ва маърифатни, маънавият ва маданиятни ворис қилиб оладилар. Чунки, бундай қилмасликнинг иложи ҳам йўқ эди. Ўрта аср Шарқ алломалари ичида, айниқса, Ўрта Осиёда тасаввуфий нуқтаи назарга эга бўлмаган олимлар камчиликни ташкил қилади. Тасаввуфий англаш, билим ва идрок қилиш секин-аста таълимот, илм даражасига кўтарилар экан, унинг таълимот сифатида мустаҳкамланишига сабаблар ҳам етарлича бўлади.

Тасаввуфнинг таълимот сифатидаги асосий хусусиятлари, унинг мазмун-моҳияти ҳамда имманент жиҳатлари тўғрисидаги маълумотлар тасаввуф илмига тегишли бўлган қадимий манбалар ҳамда замонавий илмий тадқиқот ишларида берилган бўлиб, мазкур манбалар тасаввуф тўғрисидаги

билимларимизни анча бойитади. Тасаввуфий қарашлар назарий жиҳатдан пишиқлашиб, аждодлардан-авлодларга ворис бўлиб қолишининг муҳим томонлари шундаки, унда ҳаёт фалсафаси, яъни инсонларни қизиқтирган, азалий муаммолар олам, борлиқ, инсон, ҳаёт, мавжудлик, ҳаракат, йўқлик, мухаббат, гўзаллик, хунуклик, ривожланиш, ўз-ўзини англаш, билим, ақл ва онг, дин масалалари асосий муаммолар ҳисобланган.

Тасаввуфий муаммолар ўз характерига кўра фалсафий, диний, ижтимоий, ахлоқий, психологик, эстетик, маданий ва кўплаб шаклларга бўлинади. Чунки, ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёда пайдо бўлган тасаввуфнинг “таълимот” даражасига кўтарилишидаги сабаб ҳам унинг олдида турган муаммоларнинг кўплигидадир. Ёки бошқача қилиб айтганда, ўша даврда барча илмлар тасаввуф таркибига кириб уни таълимотга айлантирган.

Ҳусайн Воиз Кошифий (1442(46)-1505) “Футувватномаи султоний” асарида тасаввуфнинг амалий ахлоққа таъсири, мардлик ва фидойиликка асос бўлишини тадқиқ этади. Асарда тасаввуф нима, деган саволга ҳам атрофлича жавоб беради:

биринчидан, тасаввуф – тахлия, яъни холи бўлмоқ, қалбни бўшатмоқ ва яхши, мақталган ахлоқдир;

иккинчидан, тасаввуф – тасфия, яъни руҳни ағёр – бегонадан тозалашдир;

учинчидан, тасаввуф – хузуъ, яъни нафсни жиловлаш, хоксорлик ва жонсипорлик намунасини кўрсатишдир;

тўртинчидан, тасаввуф – даъвони тарк этиш ва маъноларни халқдан яширишдир;

бешинчидан, тасаввуф – ибодат хуснига ишоратдир;

олтинчидан, тасаввуф – нафсни хор тутиш ва амрни азиз тутишдир;

еттинчидан, тасаввуф – барча адабдир ва кимки фақр (дарвешлик) одобидан бирига ўзини вобаста этмаса, тасаввуфдан фақат номгина билади, холос дейдилар [3;27-28].

Албатта, бу таъриф тасаввуфдаги асосий ва долзарб бўлган инсоннинг ахлоқий муаммолари нуқтаи назаридан келиб чиқиб берилган. Инсоннинг одоб-ахлоқ меёърларига амал қилиши, унинг (инсон) ҳаётига мазмун бағишлаб, инсонни гўзаллаштиради.

Ҳусайн Воиз Кошифий XV аср фарзанди, Хуросон илму фанининг вакили ҳисобланади. Унинг “Илоҳийнома” асарида пок муҳаббат ва садоқат, ишқнинг беинтиҳо қудратли кучи, юксалувчи руҳнинг талпинишлари тасвирланади. “Маориф” рисоласида “ҳолдан ҳолга ўзгариб тараққий этиб бориш” инсон ҳаётининг моҳияти-мазмуни сифатида олиб қаралган, инсоннинг бу дунёдаги вазифалари, кўнгилнинг нурга тўлишиш дамлари ёритилади. “Зубдатул ҳақойиқ” асарида инсон тадқиқ этилади: унинг пайдо бўлиши, оламга муносабати, даражалари, ўсиш мартабалари, пайғамбарлик ва валилик рутбалари ўрганилади [2;6]. Кошифийнинг асарлари умумий маънода, инсонни гўзаллик томон олиб борувчи муаммолар хусусида бўлиб, зеро, инсон гўзаллиги муаммолари ҳар бир тасаввуфий алломалар асарларининг йирик қисмини ташкил этади.

Тасаввуф таълимотига кўра, биринчидан, инсон ўзининг жисмонан бир бутун тизим сифатида яратилиши билан гўзаллик ҳисобланади, иккинчидан, унга берилган ақл-идрок, онги, борликда тутган ўрни билан ҳам гўзалдир, учинчидан, ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантириб, унга амал қилиб, ўзида гўзалликни яратиши билан гўзал бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Таълимотда инсонга гўзаллик бахш этиб турадиган кўплаб масалалар тўғрисида маълумотлар мавжуд, улардан одоб-ахлоққа доирини “тасаввуф ахлоқи” деб номлаймиз. Тасаввуф ахлоқининг ўзига хос мазмуни, моҳияти шуни кўрсатадики, инсон маънан, руҳан юксакликка, том маънодаги инсоний гўзалликка айнан ўзининг одоб-ахлоқи, маънавияти, барча ахлоқий меъёрларга амал қилиши билан эришилади.

Доктор Жавод Нўрбахш “Сўфийлар биҳишти” деган китобида, тасаввуф буюк машойихларининг сўзларига таянган ҳолда, тасаввуфни сўз орқали таърифлаб бўлмайдиган бир ҳол (ҳолат) сифатида ифодалаб, “сўз билан

ифодаланувчи нарса тасаввуф эмас” дейди. “Тасаввуф ишқ озуқаси ва фақат бир томонга боқиш йўли билан, ҳақиқат (худо)га олиб борадиган тариқатдан иборатдир. Тасаввуфнинг мақсади ҳақиқатни файласуфлар сингари мантиқ ва истидлол орқали эмас, балки кашфу-шуҳуд орқали, кўнгил ва виждон кўзи билан билиб олишдир. Шунинг учун тасаввуф юриб бориб кўрадиган йўлдан иборат бўлиб, ётиб эшитадиган нарса эмас” [1;11]. Кўриниб турибдики, тасаввуфни тушунтиришда турлича талқинлар мавжуд. Бир томондан тасаввуф динни тушуниш йўли сифатида олиб қаралса, иккинчи томондан инсонни тоза, пок қалбли, маънан юксакликка олиб борувчи илм деб тушуниш мумкин.

Тасаввуфда инсон тарбияси, инсонни риёзатлар билан поклаш марказий ўрин эгаллаб келган. Шу асосда улар Комил инсон ахлоқи концепциясини ишлаб чиққанлар. Шариат аҳкомига қурилган тариқат расму русумлари, чунончи пир-муридлик анъанаси, солик одоби, покланиш, тавба-тазарруъ, зикру самоъ – ҳамма-ҳаммасидан мақсад инсонни юксалтириш, руҳни яйратиш, ғайб асрорини кашф этиш эди. Инсонни поклаш ва камол топтириш илми бўлган тасаввуф кишидаги барча салбий хислатларни Нафс тушунчасига боғлаб изоҳлайди ва унга қарши жиҳод эълон қилади. Нафс – шайтон қутқуси, нафс – тубанликка тортадиган куч, нафс – ҳирсу ҳавас даракчиси, тамаъ, манманлик, жаҳолат, фаҳшни келтириб чиқарадиган қувват. Шунинг учун инсоннинг биринчи вазифаси ўз нафсини жиловлаб олиш, уни маҳв этишдир. Қаноат ва саховат, ҳиммат ва ботиний фақр билан инсон ўзининг илоҳийлиги – улуғлигини англаса, энг ғаддор душмани нафси эканини ҳам англайди [2;5]. Тасаввуфга кўра, инсон олдидаги муаммолардан бири ҳисобланган “нафс муаммоси” ҳам инсонга ўз нафсининг ўзи учун келтирадиган салбий жиҳатларни, ўз нафси устидан ғалабага эришиш лозимлиги кабиларни ўз ичига олади. Нафс инсонни эмас, балки инсон ўз нафсини бошқара олиши кераклиги айтилади.

Тасаввуф таълимоти вакилларининг аксариятлари нафс, уни тарбиялашнинг турли йўллари ва методологиясини ишлаб чикишган, уларга

қарши курашиш хақида ғоятда қимматли фикрларни билдириб, бу борада якдил бўлишган. Бу хусусда “Кашфул маҳжуб”да қўйидаги фикр ўз ифодасини топган: “Бас, билингки нафс мужоҳадаси ва ўнга сиёсат қилмоқлик барча динларда, миллатларда очиқ ойдин келгандир. Хусусан, бу тариқатда уни бошқариш ва ундан фойдаланиш йўллари тўла жорий қилингандир. Бу тўғрида хосу авом, уларнинг машойихлари бунинг маъносини очувчи кўп гап ва ибораларни айтишган” [6;124]. Демак, нафснинг инсон учун салбий томонлари, умуман “нафс” тушунчасининг моҳияти таълимотда энг катта объект сифатида қаралган.

Тасаввуф таълимотида инсоннинг маънавий камолотга эришувида нафс тарбияси масаласи ҳамма вақт марказий ўринни эгаллаб келган, нафсга ружу қилиш инсонни тубанликка етакласа уни жиловлаш юксакликка элтади, нафсни жиловлаш масаласида энг таъсирчан ва самарали восита – сабр ва қаноат бўлиб, улар инсон маънавий камолотининг муҳим омиллари ва белгиларидир, сабр-тоқат ва нафс инсоннинг нафақат иймон-эътиқоди, охирати учун зарур бўлиб қолмасдан, балки воқеий ҳаётда ҳам инсоний фазилатдир. Зеро, булар инсон номининг бу дунёда ҳам барҳаёт қолишига сабаб бўлувчи воситадир [4;17].

Бундан ташқари, тасаввуф таълимоти Мусулмон Шарқи халқлари адабиёти (айниқса, араб, форс-тожик ва ўзбек адабиёти) таркибида гўзал маъно ва мазмун ҳамда шаклга эга бўлган бадиий адабиёт яратди. “Тасаввуф адабиёти” ёхуд “ирфоний адабиёт” номи билан танилган ушбу юксак тафаккур ва санъат маҳсули таркибида минглаб образлар, бадиий тасвир воситалари, рамз, киноя ва мажозлар, ташбеҳ ва истиъоралар, талмеҳ ва тамсиллар яратилди [5;11]. Айрим манбаларда тасаввуф бу санъатдир дейилади, юқорида айтилганидек, тасаввуфнинг муаммолари кўлами жуда кенг бўлган. Тасаввуфий асарлар шунчаки оддий сўзлар билан ёзиб қолдирилмаган, улар юксак бадиий маҳорат, бадиий фантазия, бадиий савия, бадиий баҳс-мунозара, бадиий қонуниятларга тўла буйсунган ҳолатда бадиий асар сифатида яратилган. Айнан бадиий асар сифатида яратилиши тасаввуфнинг кенг

тарқалиб, инсоният ҳаётининг ичига чуқур кириб боришини таъминлаган. Ўз даврида эса, тасаввуф илмининг бадиий хусусиятлари танқид ҳам қилинган. Ўз даврининг диний уламолари уларга ҳатто қарши ҳам чиқишган, кескин қоралашган.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний шариат ва тариқат аҳли бўлиш билан бирга маърифат ва ҳақиқат аҳли ҳам бўлган. У доимий тоат ва ибодат, Ҳақ ва халқ хизматида бўлиш, одамларни тўғри йўлга ҳидоят этиш ва шогирдларни тарбиялаш каби эзгу амаллар билан шуғулланишдан ташқари ўзидан бой маънавий мерос ҳам қолдирди. Айниқса, унинг “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Васоё” (“Васиятнома”, “Одоби тариқат” номлари билан ҳам машҳур) ва “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” номли асарларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали тасаввуф таълимотининг фақатгина аниқ белгиланган расм-русумлар, маросимлар ва муайян ахлоқ-одоб қоидаларидан таркиб топган бир мажмуадан иборат бўлмаганлиги, аксинча, бу таълимот инсон, ҳаёт, жамият, дунё, охират, борлиқ, маърифат, ақл-идрок, тафаккур, ҳиссиёт, ишқ... каби минг йиллардан буён инсоният диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган бир қатор ҳаётий масалалар ва муаммолар хусусида ҳам кўплаб қизиқарли ва ибратли фикрларни тақдим этганлигини кузатиш мумкин [5;149]. Дарҳақиқат, тасаввуфнинг таълимот сифатида ўз олдига қўйган мақсади, вазифалари ҳамда муаммолари фалсафий, диний, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий хусусиятларга эгадир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, тасаввуф таълимотида тасаввуфий алломалар ўз даврининг энг долзарб муаммолари хусусида баҳс-мунозаралар юритишган, уларнинг ечимини топишдек мураккаб вазифаларни бажаришган. Инсон ўз ҳаёти давомида, мазмунли, мақсадли, орзу-умид билан ҳаёт кечиришга, маънан ва руҳан соғлом бўлишга интилади. Биринчидан, тасаввуфий қарашлар таълимот сифатида шаклланиб, ўзининг ўрганиш объектига, предметига эга бўлади. Иккинчидан, тасаввуфнинг таълимот ёки илм сифатида шаклланиб боришининг бир қатор аҳамиятли жиҳатлари ҳам бўлиб, мазкур таълимот

атрофида ўз даврининг йирик муаммоларига жавоб беришган. Учинчидан, тасаввуф фалсафасини ўрганиш ҳозирги кунда миллий ўз-ўзини англаш, аждодларимиз маънавий меросини ўрганишда муҳимдир. Тўртинчидан, мамлакатимизга турли воситалар орқали мафкуравий таҳдидлар кучаяётган ҳозирги мураккаб даврда маънавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида аҳоли кенг қатламлари ва ёшлар онгида юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғусини шакллантиришда аждодларимиз тажрибасига мурожаат қилиш ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф таълимоти моҳиятини тадқиқ этарканмиз, унда инсон муаммолари марказий ўринни эгаллаганини кўриш мумкин. Албатта, халқимизнинг, аждодларимизнинг бебаҳо илмий меросидан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда аждодлар меросини ўзимизга йўлчи юлдуз сифатида белгилаб ва ахлоқий ва маънавий тарбия масалаларида ундай фойдалансак, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда, маънавий таҳдидларга қарши курашишда қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жўзжоний, Абдулҳаким Шаръин. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – 192 б.
2. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. //Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 280 б.
3. Кошифий, Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний. Ахлоқи Муҳсиний. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.
4. Нарзиев З. Ҳужвирий тасаввуфий-фалсафий таълимотида нафс ва уни тарбиялаш муаммолари. // Имом Бухорий сабоқлари, 2019. – №2. – Б.17.
5. Холмўминов Ж.М. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти (Ибн-ал-Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий қарашлари асосида): монография. – Тошкент: Tafakkur, 2020. – 324 б.

6. Ҳужвирий, Абулҳасан. Кашфул маҳжуб. //Фаридун Осиёбий Ишқий Зинжоний таржимаси. – Теҳрон: Теббиён, 2003. – 124 б.